



ИМОМ БУХОРИЙ САБОҚЛАРИ



*Дунёда илмдан
бошиқа нажот йўзи
ва ҳақ қатъи
бўлмаган.*

*Имом
Бухорий*

маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал



МУАССИС:

Имом Бухорий халқаро маркази

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

У.Алимов, О.Юсупов, А.Мансуров,

А.Бердимуродов, А.Ҳасанов,

Б.Абдуҳалимов, А.Маннонов,

Б.Матбобоев, Б.Тўраев, Ж.Яхшиликков,

З.Исломов, З.Мунавваров, И.Саидов,

М.Муҳиддинов, Н.Иброҳимов, У.Ғофуров,

Ш.Сироҷиддинов, У.Уватов, Б.Каримов

БОШ МУҲАРРИР:

Шовосил ЗИЁДОВ

БОШ МУҲАРРИР ЎРИНБОСАРЛАРИ:

Отабек МУҲАММАДИЕВ,

Неъмат ЖАББОРОВ

ИЛМИЙ КОТИБ:

Шуқурилло УМАРОВ

МУСАҲҲИХ:

Олим ДЖУРАЕВ

САҲИФАЛОВЧИ ДИЗАЙНЕР:

Муҳаммадиқбол ШУКУРОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

Олий Аттестация Комиссиясининг

илмий журналлар рўйхатида

қиритилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари

бўйича Қўмитанинг 2017 йил 8 июнь.

№ 3987 рақамли рухсати билан

нашр қилинди.

Осишга 15.6.2017 йилда рухсат берилди.

Қоғоз бичими 60x84 1/8.

Офсет босма усулида босилди.

Босма табоғи 6.5. Адади 1800.

Буюртма № 191.

Нашр индекслари – № 946, № 947.

ISSN 2181-4791

Журнал 2009 йил 7 январда Ўзбекистон

Матбуот ва Ахборот агентлиги томонидан

№ 0057 рақами билан рўйхатга олинган.

Бир йилда тўрт марта чоп этилади.

Журналдан кўчириб босилганда манба

қайд этилиши шарт.

Таҳрир ҳайъати фикри муаллифлар

фикридан фарқ қилиши мумкин.

Журнал андазаси таҳририятнинг

компьютер бўлимида тайёрланди.

МАНЗИЛИМИЗ:

141306, Самарқанд вилояти, Пайарик

тумани, Хўжа Исмоил шаҳарчаси.

E-mail: buxoriy_saboqlari@mail.ru

Веб-саҳифа: www.bukhari.uz

Телефонлар: 0366-673-31-60,

+99893-355-76-64. Факс: 0366-673-31-78.

"Polygraphy Gold Press" МЧЖ

"Картография" ИИЧДК ҳамкорлигида

оп этилди. Босмахона манзили: 100000,

Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси 6.

Ушбу сонда:

Шовосил ЗИЁДОВ, Ўктам СУЛТОНОВ. Искон боб ким бўлган?

2

ТЕРМИЗИЙ АЛЛОМАЛАР

Ҳамидулла АМИНОВ. Ҳаким Термизийнинг "Таҳсил назорат ал-Қуръон" асари ҳақида

Дониёр МУРАТОВ. Имом Термизий "Сунан" асарининг ҳадис илмида тутган ўрни

Адҳам ДЎСМАТОВ. Имом Абу Исо Термизийнинг устозлари

5

7

10

МАНБАШУНОСЛИК

Неъматуллоҳ НАСРУЛЛАЕВ. XIX аср охири – XX аср бошларига оид Қуръони каримнинг

тошбосма нусхалари ҳақида

Зухра АРИПОВА. Араб тилидаги мақол ва маталларни таржима қилиш хусусиятлари

13

15

АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

Мўмин ҲОШИМХОНОВ. Бобораҳим Машраб ҳаёти ва илмий мероси

Зиёдулла ҒОЗИЕВ. Сўфи Оллоҳёрнинг ахлоқий ва тарбиявий ўғитлари

17

20

ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Комилжон ШЕРМУҲАМЕДОВ. XX асрнинг 70-80 йилларида "Мусулмон биродарлар"

уюшмасининг фаолияти

Азамат АКБАРОВ. Ислом мисолида маърифатнинг аҳамияти: кутубхоналар ривожланиши-

нинг шарҳи

Зухра РАЖАБОВА. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ислом дини ва диний

муассасаларнинг аҳамияти

Шерахон ХОШИМОВ, Сайёра ХОШИМОВА. Маънавий мерос ва исломий қадриятларда

кексаларни эъзозлаш анъанаси

22

24

26

28

БАТАНИМИЗ ТАРИХИ

Ёркиной РОЗИМОВА. Ёшлар маънавиятини шакллантиришда тарихий хотиранинг ўрни

Козимбек ПОЛВОНОВ. Жанубий Ўзбекистон шаҳарлари топонимида оид маълумотлар

Бекзод ИСАБЕКОВ. Оҳангарон водийсининг табиий-географик шароити ва антропоген

ландшафтининг шаклланиши

Нигора КАРИЕВА. Ўзбек халқининг зиёрат маросимлари: тарих ва ҳозирги ҳолат

Зайнаб АБИДОВА. Ҳазрати Шайх Мухтор Валий зиёратгоҳи

Нафосат ЗИКИРОВА. Марказий Осиё халқларидаги умумийлик ва хусусийлик

Шуқрулло НАСРИДДИНОВ. Туркистонда рус олимлари илмий фаолиятининг мақсадлари ҳақида

Абдилатип САРИМСОҚОВ. Ўзбекларнинг анъанавий деҳқончилик билан боғлиқ урф-одат

ва маросимлари

Зоҳид МАДРАҲИМОВ. Қўқон хонлигининг ички ва ташқи савдо алоқаларида қозқларнинг тутган ўрни

Адолат ЯХЪЯЕВА. 1991-1995 йилларда Ўзбекистон Куролли кучлари тизимида тарбиявий

ишларнинг амалга оширилиши

Д. МАМОЖОНОВ. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистоннинг тарихий меъморий ёдгорликлари

ШЕЪРИЯТ ГУЛШАНИ. Отабек БОҚОНИЙ. Рамазон

30

33

35

38

40

42

45

46

49

51

54

56

ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ

Yunus XOLIQOV. Ijtimoiy taraqqiyot jarayonida bag'rikenglikning o'rnini va ahamiyati

Қосимбой ҚАБУЛОВ. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бағрикенглик ва

миллатлараро тотувлиқнинг ифодаланиши

Санжар САИДОВ. Ёшлар ижтимоий муносабатларининг виртуаллашуви

Қамолитдин МИРЗААХМЕДОВ. Давлат хизматини самарали ташкил этишда бошқарувчи

кадрлар фаолиятини такомиллаштириш асослари

Мансур ҚУЛМАТОВ. Ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий хизмат соҳасида – янги ҳуқуқий асос

Олмос ТУРСУНОВА, Сирож РЎЗИМУРОДОВ. Бола манфаатларини ҳимоя қилиш – фуқаро-

лик жамиятини қуришнинг бош мезони

Вазира САҲИБНАЗАРОВА. Миллий урф-одатларда маданиятлар ва анъаналар уйғунлиги

57

60

62

64

67

69

71

МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Фаррух ҲАКИМОВ. Виртуал майдондаги ахборот-психологик таҳдидлар ва уларни барта-

раф этиш масалалари

Ахмат РАХИМОВ. Диний-экстремистик оқимларнинг даъволарига қарши раддиялар

Баҳриддин ПРИМОВ. Ахборотлашган даврда тарбиявий жараён

74

76

78

ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

Дилбархон ФАЙЗИХЎЖАЕВА. Тавҳид гоясини далиллашда фалсафий ва диний

аргументлашдан истифода этилиши

Ш. МАВЛАНОВ. Фалсафа – инсон маънавиятини юксалтирувчи соҳа сифатида

Зарина АБДУАЗИМОВА. Эстетика фанини ўқитишда диний-фалсафий масалаларнинг

ижтимоий аҳамияти

Ro'zi KOMILOV. Oila va nikoh munosabatlari islom dinining estetik mohiyati

Маҳбуба ЭРҒАШЕВА. Манбалар системасининг синергетик таҳлили

Улуғбек БЕКПҮЛАТОВ. Коинотнинг пайдо бўлишига оид диний ва илмий қарашларда

симметрия гояларининг ўрни

81

84

86

88

90

92

ИМОМ ВА ЖАМИЯТ

Биродар МАТЁҚУБОВ. Амир Темур ва ислом

ИМОМ БУХОРИЙ РИВОЯТ ҚИЛГАН ҲАДИСЛАР

Йўлдошхон ИСАЕВ. Ўтганларни хайрли амаллар билан хотирлаш

96

ЯНГИ НАШРЛАР

Зоҳиджон ИСЛОМОВ. Шарқ манбашунослигининг нодир энциклопедияси

Жаннат ИСМАИЛОВА. Қардош мамлакатлар ҳамкорлиги масалаларига доир

Гуландом ЮНУСОВА. Юсуф Ҳамадоний – етти пирнинг устози

97

98

99



Табриқ бағам: _____

Сана: _____

Шахсий низо: _____

ХІХ АСР ОХИРИ – ХХ АСР БОШЛАРИГА ОИД ҚУРЪОНИ КАРИМНИНГ ТОШБОСМА НУСХАЛАРИ ҲАҚИДА

Қуръон нозил бўлганидан бошлаб қўлда кўчирилди ва тошбосма усулда чоп этилди. Унинг ноёб нусхалари хазиналардан жой олди. Биргина, Абу Райҳон Беруний номли Шарқ қўлёзмалари марказида Қуръон тошбосмаларининг Ўрта Осиёда чоп этилган юздан ортиқ нусхалари сақланади.

Таянч сўзлар: қўлёзма, тошбосма, “Абдурахмоний” нусхаси, Абдурахмоний Қуръон (Торобий Бухорий).

С первых этапов ниспослания, Коран переписывался от руки и позднее издан литографическим методом. Его уникальные копии хранятся в разных коллекциях. Только в фонде Центра восточных рукописей имени Абу Райхана Беруни хранится более ста экземпляров литографии Корана изданные в Средней Азии.

From the first stages of the revelation, the Qur'an has been copied manually, and later issued in lithographic method. Its unique copies are stored in different collections. Only in the fund of the Centre of Oriental Manuscripts named after Beruni stored over a hundred copies of the Koran lithographs published in Central Asia.

Араб ёзувидаги қўлёзмаларни кўчириш VII асрдан то XIX асрнинг иккинчи ярмигача, яъни тошбосма усулида китоб нашр қилингунга қадар давом этди. Китоб чоп этиш жараёнини вужудга келтирувчи муҳим омил бу – литер (ҳарф) шакли, қолипнинг яратилиши ва уни босма ускуна ёрдамида бирор-бир предмет (қоғоз, мато, картон ва бошқа материал) га босиш орқали ҳарфлардан тайёрланган формадан нусха олиш, кўчиришдир. Буни амалга ошириш учун, аввало, қолип (форма) ясалади ва ундаги шакл-ёзув босиш орқали қоғоз ёки матога бўёқ ёрдамида ўтказилади ёки кўчирилади [1: 30-31].

XX аср бошларигача қўлда кўчириш давом этиб турса-да, босма усулида китоб чоп этиш қўлда кўчириш анъаналарини аста-секин сиқиб чиқарди. Натижада, қўлёзма китоблар эҳтиёт қилиниб, уларнинг ўрнига босма нашрлари кенг тарқала бошлади. Афсуски, совет шарқшунослиги ва адабиётшунослигида ислом ва Қуръоннинг келиб чиқиши, унинг Шарқ илм-фани ҳамда адабиётига таъсири ҳукмрон табақаларнинг сохта ғоялари замирида талқин этилиб, мазмуни бузиб кўрсатилди. Табиий ва илоҳий шарт-шароитларга асосланган жараён қотиб қолган уйдирма категориялар билан алмаштирилди [3: 13-14].

Изданишлар жараёнида маълум бўлдики, айни XIX аср иккинчи ярмидан – XX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган даврда Қуръонни кўчириш ва тошбосма усулда чоп этиш аввалги асрларга қараганда анча сезиларли камайган. Ҳўш, нима учун?

Биринчидан, бу давр китобат ишлари учун ўтиш йиллари бўлди. Яъни қўлда кўчиришдан босма усулга кириб бориш. Албатта, бу жараёнлар Марказий Осиёда Европадан анча кейин ривожланди. Ўлкага илк марта келтирилган босиш дастгоҳлари ҳам Россиядан олиб келинган бўлиб, келгунига қадар улар анча ишлатилиб уриниб қолган техникалар эди.

Иккинчидан, илм-аҳллари, хусусан, қотиб ва хаттотларга бўлган доимий таъйиқ ва кескин салбий муносабатларда кўринди. Бу айниқса, Қуръоннинг тошбосма нусхаларини кўпайтиришда яққол кўзга ташланди. Натижада, хаттотлик мактаблари сони камайиб, устоз-шогирд анъаналари инкирозга юз тутди.

Учинчидан, Чор ҳукуматининг юртимизда диний адабиётларга ўрнатган цензураси сабабидан эди. Гарчи, баъзи одоб-ахлоққа оид китоблар, газета ва журналлар нашр этилса-да, Қуръони карим нусхаларини босиш ҳали-ҳануз мавҳумлигича қолдирилган эди.

Тўртинчидан, босма китобларни амалга оширишда ишлатиладиган матбаа учун керакли хом-ашёлар асосан Россиядан келтирилган. Ўлка матбаа саноати ҳеч муболағасиз ҳамма нарсага муҳтож: қоғоз, бўёқ, ҳарф турлари, босма

машина ва унинг усталари ҳамда матбаа иши мутахассислари бошқалар шулар жумласига кирган. Умуман олганда, техник қуроллар борасида ҳам “тобеъ” бўлган. Яна бу каби сабаблар сон-санокларни кўплаб келтириш мумкин, лекин... энди бундан не наф.

Бу даврларга келиб Қуръони каримнинг замонавий кўринишдаги босма нусхалари юртимизга асосан хорижий араб мамлакатларидан кириб кела бошлади. Шундай бўлса-да, маҳаллий китобатчилик урфида кўра, юртимизда ўрта ва кейинги асрларда аввал қўлёзма кўчириш вақтлар ўтиб тошбосма шаклида китоб нашр этиш ривож топди. Аждодларимиз мана шу нусхалар

асосида замон талабидан келиб чиқиб бошқа нусхаларни шакллантирганлар. Ҳозирда биз бу тошбосма Қуръон нусхаларини Шарқ қўлёзма ва тошбосма манбалари сақланувчи фондларда учратамиз.

Хусусан, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари марказида Қуръони карим тошбосмаларининг жами юздан ортиқ нусхалари сақланади. Куйида уларнинг бир нечталари билан таништиришга ҳаракат қиламиз. Улардан бири №14297 рақами остида рўйхатга олинган. 1879 йил, Истанбул нашри бўлиб, жами 715 бет. Барча саҳифалари тўлиқ. Таъмир этилмаган. Матн сариқ рангли жадвал ичига олинди, сура номи ва унинг неча оят экани атрофи яшил рангдаги майда гулли жадвалда берилган. Унинг тагида йирик ҳарфлар билан басмала ёзилган. Барча оятлар думалок ўн икки баргли гул тамғаси билан ажратилган. Таъвдид қоидаларига тегишли ишоратлар ҳам матн учун ишлатилган қора сиёҳда. Китобнинг ўнг саҳифаси бошида сура номи, чап томонида эса, нечанчи жузлиги бериб борилган. Китобнинг колофон қисмида унинг ҳижрий 1297 йил зулқайда ойида чоп этилганлик қайди бор. Китоб сўнггида матннинг фихристи мавжуд. Унга кўра, жуз ва сураларнинг қайси саҳифада жойлашгани жадвал ичига олиб рақамлар билан кўрсатилган. Муқоваси яшил рангли қаттиқ картондан ясалиб, у қўш лабагили конверт кўринишига эга.

Тарихий саҳифалардан маълумки, илм-маърифат ўчоқларидан бири бўлган Бухорода китобларга қизиқиш юқори савияда кечган. 1901 йил Когонда “Барановский тошбосмаси” ташкил топган. Бу литографияни 1903 йилда О. Левин, 1904-1913 йиллари Гайсинский ва Бендецкий, 1913 йилдан бошлаб матбаа хусусийлаштирилгунга қадар, яна Левин бошқарган [1: 117-118].

Навбатдаги нусха ҳам Истанбул қўлёзмаси асосида Бухорода ҳижрий 1334 йил “Левин” матбаасида тошбосма усулда чоп этилган. Нусха Қуръони каримнинг хуснихатда кўчирилган қўлёзмасидан фойдаланиб ишланган. Китоб

ШҚМ фондининг "Ҳамид Сулаймон" бўлимига тегишли. Мукова таъмир кўриб, унинг устки қисмига кўк матодан жилд ясалган. Сура номлари қизил сиёҳ билан жадвал ичига олинган. Оятлар ораси сариқ думалоқ белги билан ажратилган. Айрим тажвидга оид қоидалар матн ичида қизил сиёҳ билан бериб борилган. Барча саҳифаларга ҳам рақам ҳам пойгир қўйилган. Унда "Анкабут" сурасининг "Тилкал амсалу назрибуҳа..." оятдан сўнги қисмигача шунингдек, "Рум" ва "Луқмон" суралари тўлиқ туширилган [4: 649-670]. Лекин, айтиш керак, ушбу ерлар Қуръоннинг "Абдуррахмоний" нусхаси саҳифалари билан тўлдириб таъмир этилган. Бизнингча, бу тўлдириш учун хизмат қилган нусха жиддий камчиликларга эга бўлган. Таъмирловчи уни Қуръон нусхаларининг туширилган саҳифаларини тўлдиришга махсус ажратиб қўйган бўлиши мумкин. Бундан таъмирловчи мутахассис китобнинг ҳар-бир саҳифаларини синчковлик қўлдан ўтказгани маълум бўлади. Ҳа, бундай ўз касбига масъулият билан ёндошувчи моҳир усталарга таҳсинлар айтиш керак. Яна шундай таъмир ҳолати китоб аввалида ҳам учрайди. Яъни, "Абдуррахмоний" нусхада "Фотиҳа" сураси туширилган ва бу камчилик "Қозон босма" кўринишидаги саҳифани ўша бетга елимлаш билан тўлиқ ҳолатга келтирилган [4: 1-2].

Яна бир тошбосма ҳазрати Усмон услубига мувофиқ, ҳижрий 1287 йил чоп этилган бўлиб, сура номи ва унинг неча оятдан иборат экани жадвал ичида берилган. Китоб нашрига Нўмон Муҳаммад Тошқандий ҳомийлик қилган. Китоб сўнгида икки муҳри мавжуд бўлиб, уларга ҳижрий 1288 йил санаси қўйилган.

Туркистон ўлкасида китоб босиш пайдо бўлганидан кейин хаттотлар, айниқса, котиблар иши аввалгига нисбатан анча камайгани ҳақида айтиб ўтган эдик. Шундай қилиб, уларнинг баъзилари ўз фаолиятларини матбаалар ҳузурида китобларни тошбосма учун ҳуснихатда кўчириб, тайёрлаб берувчи шахсларга айланди. Айримлари ўз анъаналарини давом эттириб, асосан, буюртма ва ҳадялар учун тайёрланган матнларни кўчириш ишларида давом этдилар. Нашр имкониятларининг кенгайиб бориши ва дизайнининг тобора такомиллашиши натижасида қўлёзмаларга бўлган талаб ҳам ўз-ўзидан камайиб бориши кузатилди. Бундай тошбосма Қуръон нусхаларини ҳозирда биз шахсий жамғарма ва Шарқ манбалари сақланувчи фондларда учратишимиз мумкин. Биргина Шарқ қўлёзмалари маркази фондида Қуръони каримнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларида чоп этилган қатор тошбосма нусхалари мавжуд. Улар орасида "Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати" матбаасига хос бўлган нусхалар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Шунингдек, мазкур фондда Қуръони карим қўлёзмаларининг Қозон, Қоҳира, Миср, Истанбул, Дамашқ, Бомбей, Кашмир, Қувайт каби ва бошқа бир қатор хориж ўлкаларида нашрдан чиққан нусхалари ҳам етарлича топилади. Нусхалар орасида баъзилари замонавий нашрларга хос бўлиб, 1950-60 йиллар ва ундан кейин хазина учун совға сифатида тақдим қилинган [5; 6; 7; 8]. Улар ичида, айниқса, Қозон, Туркия, Миср, Ҳиндистон, Эрон нашрлари Марказий Осиёда кенг тарқалганлиги аён бўлди.

Илмий изланишлар натижасида Қуръони карим қўлёзма

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бобохонов А.Ҳ. Асрдан ошган зиё масканлари. – Т.: O'zbekiston, 2011.
2. Йўлдошхўжаев Ҳ., Қаямова И. Ўзбекистон уламо-лари. – Т.: Movarounnahr, 2015.
3. Ҳамидулла Кароматов. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Т.: Фан, 1993.

нусхаларининг машҳур кўчирувчилари Абдуррахмоний Қуръон (Торобий Бухорий) асосида Бухоро нашри, Қори Абдулвоҳидий котиб томонидан кўчирилган Абдулвоҳидий Қуръони Тошкент нашри, Қори Абдулмалик Қуръони, Қори Абдуррахмон кўчирган ёки ҳомийлик қилган Қуръон** каби тошбосма нусхалари чоп этилгани аниқланди. Номлари қайд этилган шахслар Қуръоннинг тошбосма нашрлари учун қайсидир маънода ўз ҳиссаларини қўшган шахслардир. Шунинг учун бу каби ҳолат уларнинг номлари билан сақланиб қолишига сабаб бўлган. Улар ҳақида ўрганиш ва бу борада атрофлича илмий тадқиқот олиб бориш масаласи айтиш до-зарблигича қолмоқда.

Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб собиқ Совет Иттифоқи Миср, Сурия, Ироқ, Ливия, Жазоир, Яман каби араб давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кучайтирди. Бунинг натижасида Иттифоқ мусулмонларининг ижтимоий ҳаётдаги тутган мавқелари бир қадар ўсди. Масалан, 1968 йил бутун дунё мусулмонлари қатори Иттифоқ мусулмонлари ҳам пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга муқаддас китоб Қуръони карим нозил бўлганининг 1400 йиллигини кенг нишонладилар. Бу воқеа муносабати билан қатор мусулмон мамлакатларида Қуръони каримнинг янги нашрлари амалга оширилди. Бизнинг диёримизда муфтий, Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобоҳон ташаббуслари билан Қуръони каримнинг катта ва кичик ҳажмдаги нашри амалга оширилди [2: 51]. Нашр учун машҳур хаттот Мирза Ҳошим Хўжандий томонидан 1913 йилда насх хатида кўчирган Қуръони карим қўлёзма нусхаси асос қилиб олинган. Хўжандий кўчирган Қуръон тошбосма усулда чоп этилган, унинг қатор нусхалари сақланиб қолди ва бизларгача етиб келди. Ушбу нашрнинг охирида, яъни "Дуо хатм ал-Қуръон" Хатми Қуръон дуосидан сўнг учта муҳр босилган. Унинг бири моҳир котибга, иккинчиси ўша давр қозисига, учинчиси ўша нусхани кўриб берган қорига тегишли. Муҳрларда котиб сифатида "Мирза Ҳошим Хўжандий", қози ўлароқ "Муҳаммад Расул Хўжа Халаф Муҳаммад Хўжа", қори мураттаб "Домла Муҳаммад Собир қори Тошқандий" номлари қайд этилган. Ушбу тошбосма хатининг чиройи, сифатининг юқорилиги, мукамаллиги, шунингдек, унда тажвид қоидаларининг акс эттирилиши ва уларга китоб сўнгида изоҳлар берилиши, сураларнинг бетлар бўйича фихристи ҳамда хотиманинг мавжуд эканлиги ушбу нашрнинг юксак савияда амалга оширилганига далолат қилади.

Хулоса сифатида шуларни айтишимиз мумкинки, Қуръони карим илоҳий китоб бўлиб, нозил қилинганидан бошлаб мусулмонларнинг муқаддас манбаси сифатида доим эъзозлаб келинади. Кучли эҳтиёж туфайли дастлаб қўлда кўчирилди ва кейинчалик тошбосма усулда оммавий чоп этила бошланди. Бирламчи қадимий нусхалар аввал ҳижозий ва куфий ёзувларида битилди. Қуръонни ўқиш ва ўқитишга бўлган чексиз муҳаббат сабаб, Қуръони карим қўлёзмалари тинмай кўчирилди, тошбосма нусхалари минг-минглаб жилдларда чоп этилди, қадрланди, асралди, авайланди. Ҳозирда унинг бундай ноёб нусхалари бизгача етиб келиб, юртимизда фаолият олиб бораётган йирик Шарқ қўлёзма хазиналаридан жой олган.

4. ШҚМ қўлёзмалар фонди. Босма: № 18875.
5. ШҚМ қўлёзмалар фонди. Босма: №20006.
6. ШҚМ қўлёзмалар фонди. Қуръони карим. – Қоҳира: Жаъфар Муҳаммад Мустафо нашри, 1963.
7. ШҚМ қўлёзмалар фонди. №22073. Қуръони карим. – Техрон: Аббос Али Қодирий нашри, ҳиж.1368.
8. ШҚМ қўлёзмалар фонди. №22149. Қуръони карим. – Қувайт: Қувайт нашри, 1989.

* Кейинги ўринларда ШҚМ тарзида берамиз.

** Абдуррахмоний Қуръони Республикамиздаги "Мовароуннаҳр" ва "Чўлпон" нашриётларида чоп этилган.